

## II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2021 йилнинг январь-март ойларида 1 480,4 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси 2020 йилнинг тегишли даврига нисбатан 116,1 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибида кўпроқ қайта ишлаш саноатига тўғри келиб, унинг улуши 90,3 фоизни ташкил этди (2020 йил январь-март ойларига нисбатан ишлаб чиқариш индекси 108,4 %). Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш улуши 5,8 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 152,8 %), сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиши ва утилизация килиш улуши 1,1 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 89,8 %), тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш улуши 2,8 фоизни (ишлаб чиқариш индекси 239,3 %) ташкил қилди.

### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби

(жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарии ҳажмига нисбатан фоизда)



### Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (2021 йилнинг январь-март)

	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2020 йил январь-мартига нисбатан ишлаб чиқариши индекси фоизда</i>
--	------------------	---

<b>Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ҳажми</b>	<b>1 480,4</b>	<b>116,1</b>
<b>Тоғ–кон саноати ва очиқ конларни ишлаш</b>	<b>41,2</b>	<b>239,3</b>
<b>улардан:</b>		
тоғ–кон саноати билан боғлиқ бошқа фаолият	41,2	239,5
<b>Қайта ишлаш саноати</b>	<b>1 337,1</b>	<b>108,4</b>
<b>ундан:</b>		
озиқ–овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	232,0	114,4
ичимликлар ишлаб чиқариш	3,0	50,6
тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш	574,5	98,9
кийим ишлаб чиқариш	77,9	117,3
тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш	0,4	89,5
ёғоч ва пўқак буюмлар (мебелдан ташқари), похол ва тўкиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	9,4	151,5
қофоз ва қофоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш	5,2	100,4
ёзилган материалларни нашр этиш ва акс эттириш	1,8	78,4
кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	9,4	65,3
фарматевтика маҳсулотлари ва препартларини ишлаб чиқариш	0,1	12,3
Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,2	16,0

*давоми*


	<i>Млрд. сўм</i>	<i>2020 йил январь-мартига нисбатан ишлаб чиқариши индекси фоизда</i>
--	------------------	---

резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	47,3	131,0
бошқа нометал минерал маҳсулотлари ишлаб чиқариш	144,6	113,5
металлургия саноати	26,5	57,7
Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	8,9	107,0
электр ускуналарни ишлаб чиқариш	70,5	106,6
компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	15,2	37,3
Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва ускуналар ишлаб чиқариш	0,004	0,0
Мебел ишлаб чиқариш	33,8	108,2
бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш	20,2	157,5
машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш	13,1	101,6
Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш	43,1	18671,7
<b>Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш</b>	<b>85,8</b>	<b>152,8</b>
<b>Сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йигиши ва утилизация қилиш</b>	<b>16,3</b>	<b>89,9</b>

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида энг юқори улушкини ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари (90,3 %) ҳиссасига тўғри келади.

Жорий йилнинг январь-март ойларида саноат корхонлари томонидан 1 480,4 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ишлаб чиқариш физик ҳажм индекси 116,1 фоизни ташкил этди.


**Жорий йилнинг январь-март ойларида ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарида юқори улушкини ташкил этган корхоналар ҳиссаси  
(фоиз ҳисобида)**



**Худудлар бўйича саноат ишлаб чиқариш ҳажми**

Жиззах вилоятида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳудудда ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажми таркибида энг кўп Жиззах шаҳри (Вилоятда саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 35,8 фоиз улушкини), Дўстлик (14,2 %) ва Зафаробод (8,6 %) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**Худудларнинг жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуси, % да**



**Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулоти  
турларини ишлаб чиқариш  
(йирик корхоналар бўйича)**

	Ўлчов бирлиги	2021 йил январь-март	2020 йилнинг январь- мартига нисбатан фоиз
--	------------------	-------------------------	---

<b>Ишлаб чиқарадиган саноат</b>			
Пахта хом-ашёни қайта ишлаш	т	53 475	233,0
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси	т	19 013	221,2
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 1 навли	т	10 627	249,4
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 2 навли	т	4 233	235,8
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 3 навли	т	44	18,2
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 4 навли	т	4 110	179,1
Кардли ёки тароқли таралган пахта толаси 5 навли	т	0	0
Пахта чигити	т	3 374	25,8
Момиқ	т	246	32,5
Бошқа техник чигит	т		
Тозаланган пахта ёғи	т	740,3	126,5
Чигитдан олинган кунжара ва бошқа қаттиқ чиқиндилар	т	7 679,2	97,0
Соапстоклар (нейтраллаш жараёни маҳсулоти)	т	194,8	104,2
Таркибида ёф ёки ҳайвон ёки ўсимлик муми бўлган моддаларни қайта ишлашнинг бошқа қолдиқлари ва чиқиндилари	т	94	113,3
Юмшоқ буғдой ва спельта уни	т	10 548,2	114,8


	Ўлчов бирлиги	2021 йил январь-март	давоми 2020 йилнинг январь- мартига нисбатан фоиз
--	------------------	-------------------------	---

Йирик шохли қорамоллар учун тайёр озука (кўп компонентли аралашмалардан ташқари)	т	6 632	78,9
Машинада ёки қўлда тўқилган бошқа трикотаж полотнолар	т	588	97,7
Чакана савдо учун қадоқланмаган пахтадан йигирилган бир қаватли ип	т	3 098	137,9
Чакана савдо учун қадоқланмаган юзаки актив воситалар, ювиш ва тозалаш воситалари	т	0	0


Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришини рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 2020 йилнинг январь-март ойларига нисбатан 125,5 фоизга ва жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушини эса ўтган йилнинг мос давридаги 39,0 фоиздан 40,3 фоизга кўпайди.

#### **Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби (жами истеъмол товарлари ишлаб чиқарии ҳажсига нисбатан фоизда)**

**2020 йил январь-март**



**2021 йил январь-март**




- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Ноозиқ-овқат маҳсулотлари

Шу билан бирга ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан энг юқори ўсиш суръати вилоятнинг бир неча туманларида кузатилмоқда. Хусусан, Зарбор (200,7 %) ва Зафаобод (270,1 %), Пахтакор (217,7 %) туманларида юқори ўсиш кузатилган.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига худудларнинг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида энг юқори улушга эга бўлган худудлар Жиззах шаҳри (32,7 %), Фаллаорол (10,5 %), Зарбор (9,5 %) ва Дустлик (8,4 %) туманлари хисобланади.


**Худудларнинг истеъмол товарларидаги улуши  
(фоиз ҳисобида)**



**2021 йилнинг январь-март ойларида худудларда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш**




## 2021 йилнинг январь-март ойларида ҳудудларда аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш



Тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши, вилоят саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг ривожланишига ўз таъсирини кўрсатди.


Мазкур дастур доирасида 2021 йилнинг январь-март ойларида 394,6 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 5 546,1 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди ва 354 та янги иш ўринлари яратилди.




**2021 йил январь-март ойларида ҳудудлар бўйича саноат махсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши, % да**



**2021 йил январь-март ойларида истеъмол моллари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши, % да**




**2021 йил январь-март ойларида худудлар бўйича истеъмол моллари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши, % да**



Туманлар кесимида таҳлил қиласиган бўлсақ, кичик бизнеснинг жами истеъмол моллари ишлаб чиқаришдаги улуши Дўстлик (34 %), Жиззах шаҳар (65,7 %), Пахтакор (42,7 %) туманларга нисбатан паст кўрсаткични қайд этган.

2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига вилоятда 3 521 та фаолият юритаётган саноат корхоналари бўлиб, улардан 264 таси янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналари ҳисобланади.

**Саноат тармоғида фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган  
кичик бизнес корхоналари, бирликда  
(2021 йилнинг 1 апрель ҳолатига)**



Худудлар миқёсида олиб қаралганида, саноат тармоғида фаолият юритаётган ва янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналарининг асосий қисми Жиззах шаҳрида (67 та) ва Шароф Рашидов туманида (47 та) жойлашган.

Шунингдек, Галлаорол 34 та), Зарбдор (12 та), Дўстлик (13 та), Пахтакор (24 та), Зомин (22 та), Зафаробод (13 та), Мирзачўл (13 та), Фориш (5 та), Янгиобод (3 та), Арнасой (4 та) ҳамда Бахмал (7 та) туманларида ҳам саноат тармоғидаги янги ташкил этилган корхоналар фаолият юритиб келмоқда.